

БУХОРО ВИЛОЯТИНИНГ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҶАСИДАГИ ТАШҚИ АЛОҚАЛАРДАГИ ИШТИРОКИ ХУСУСИДА

ТУЙЕВ ФАЗЛИДДИН ЭРКИНОВИЧ

Бухоро давлат университетининг

Педагогика институти

Ижтимоий фанлар кафедраси ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7184080>

Бухоро вилоятида соғлиқни сақлаш борасида мустақилликнинг дастлабки йиллариданиқ (1991) мутахассислар тайёрлаш билан бирга, аҳоли саломатлигини сақлаш ва уларга қулау даволаниш шароитларини яратиш борасида ҳам унча кўп бўлмасида бир қатор ишлар амалга оширилганди. 1995 йилда Бухоро вилоятида мутахассис кадрлар, жаъми: тиббий мутахассислар 4 минг кишини ташкил қилган.

Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан 1998 йил 10 ноябрда ПФ 2107-фармони ва вилоят ҳокимининг шу асосидаги қабул қилган 1998 йил 3 декабр 205-сонли “соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида”ги қарорини бажариш 1998 йилнинг 25 июлидан 8 августгача амалга оширилган. Шу дастур бўйича вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси раҳбарияти томонидан “World” концерни халқаро ташкилоти билан Республика шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиалига мурувват ёрдам йўли билан бадалсиз биринчи босқичда – 1998 йил 3 августда бир юк машинасида зарурий тиббий анжомлар олиб келинган. Иккинчи босқичда эса 40 тонналик контейнер билан шу йилнинг 5 август куни Бухоро вилоятига соғлиқни сақлаш асбоб-ускуналари ва бир қисм дори-дармонлар келтирилган.

Бухоро вилоят “Дори-дармон” акционерлик бирлашмаси томонидан СП “Кор-форм саноат” фирмасидан 1 млн. 292 минг сўмга глюкоза, натрий хлор, инъекция учун эритмалар, Самарқанд Дори-дармон бирлашмасидан 555 минг сўмга стрептамицин, пеницилин каби дори-дармонлар, АОТ “Биоформ” фирмасидан 160 минг сўмга 1 фоизли яшил бриллиант спиртли эритмаси, узоқ хориж давлати дори тайёрлайдиган корхонасига мансуб “Хоффман Ля-Рош” фирмасидан 36809 АҚШ долларига дори-дармонлар Бухоро вилояти аҳолиси учун харид қилиб келтирилган. 1998 йил 3 декабр 205-сонли “соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тўғрисида”ги қарори асосида Бухоро вилоят “дори-дармон” акционерлик бирлашмасининг Республика дори ишлаб чиқарадиган корхоналарининг 20 таси “Элли-Лилли” фирмаси билан 20 минг АҚШ долларлик шартнома имзолаганди. 1998 йил Бухоро вилояти ўсмир болаларни юқумли ичак

касаликларини олдини олиш мақсадида муруват ёрдами сифатида ЮНИСЕФ томонидан 50 минг дона РЕГНДРОН кукуни келтирилиб вилоятнинг барча муассасаларига тарқатилган эди. Бухоро вилояти узоқ хориж дори ишлаб чиқарадиган корхонаси “КРКА” (кечка) Словения фирмаси билан 79900 АҚШ доллари қийматида шартнома тузиб Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигига (МВЭС) топширилганди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ - 2107 сонли "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури тағрисида"ги Фармонига асосан 1998 йил 3 декабрда Бухоро вилоят ҳокимининг 205-сонли қарори қабул қилиниб, вилоятда бир қатор ишлар амалга оширилган эди. Жумладан. Германиядан 2 та наркоз аппарати, Швейцариядан 48 та лаборатория таҳлилини ўтказадиган аппарат, 2 та операцион стол ва бастенавая лампа, гемосорбция аппарати, лениомат ва бошка тиббий буюмлар олиб келинганди.

1999 йил вилоятдаги шифохоналарга дори-дармон ва тиббий воситалар билан таъминлаш борасида маҳаллий ҳокимиятлар билан биргаликда хорижий мамлакатлардан мурувват йули билан ва кредитга катта миқдорда дори-дармонлар ва тиббий воситалар олиб келинган. 1999 йилнинг 9 ойи давомида АҚШ, Англия, Дания, Германия, Австрия ва бошка мамлакатлардан дори дармонлар захираси тулдирилганди. Вилоятта сил, ўсма ва рухий (ижтимоий) касаликларни даволаш учун катта миқдорда кредит, КЭС ва тендер усулида дори-дармонлар келтирилган. Натижада касаликларни даволашда бирмунча яхши имкониятлар яратилишига эришилди.

Вилоятда соғлиқни сақлаш тизимига хорижий инвестицияларни киритиш, халқаро ва жамоатчилик ташкилотларининг эътиборини жалб қилиш борасида 1999 йилнинг 9 ойи мобайнида 23 марта вилоят аҳолисига мурувват ёрдамлари такдим қилинган. Мавжуд булган дори-дармонлари “Каунтепорт Интернейшнл”, Халқаро ЮНИСЕФ ташкилотлари, АҚШ, Германия, Дания, Англия каби давлатлар томонидан вилоят аҳолиси учун келтирилган. Купгина чет эл мурувват ёрдамлари янги ташкил қилинаётган Республика Давлат шошилинич тиббий ёрдам илмий маркази вилоят филиали учун келтирилиб, унинг моддий-техника базасини мустахкамлаш устида саъйи-ҳаракатлар килинганди. Шулар туфайли ҳам 1999 йилдан вилоят соғлиқни сақлаш борасидаги ишлар бирмунча кўзга ташланиб бораётган эди.

2001 йилга келиб Бухоро вилоятида 47 та шифохона фаолият кўрсатган бўлса йилдан йилга соғлиқни сақлаш борасида вилоятда бир қатор ишлар амалга оширилиши натижасида шифохоналар ва мутахассис кадрлар сони йиллар давомида ошиб бориши туфайли 2010 йилга келиб шифохоналар 28 тага кўпайиб шу йилда 75 тани ташкил қилган бўлиб, улардаги ходимлар эса минг кишига кўпайиб 5 минг кишига етган. Бухоро вилоятда соғлиқни сақлаш борасида хорижий давлатлар билан ҳам доимий ҳамкорлик ишлари амалга ошириб борилган. Дунё аҳолисининг барчаси биладики касалликларнинг ҳамма турлари ёмон эканлигини. Мустақилликнинг дастлабги йилларида Бухоро вилояти аҳолиси ичида онкологик касалликка чалинган беморлар Республика марказида жойлашган Республика иқтисослашган онкология ва радиология марказига бориб шу жойда тиббий кўриқдан ўтиб, керак бўлса даволаниб келар эди. Шунини таъкидлаш керакки, истиқлолнинг дастлабги йилларида Республика аҳолиси қатори Бухоро вилоят аҳолисининг анчагина қатлами иқтисодий танглиги ҳам мавжуд бўлганлиги сабабли айрим беморлар марказга бориб келишга иқтисодий имконияти етмаганлигини кўриш мумкин эди.

Лекин, Бухоро вилояти ривожланиб, равнақ топиб бориши натижасида Бухоро вилоятида ҳам онкология соҳаси ривож топиб, мутахассис кадрлар керак бўлса хориж тажрибаси билан ҳамфикир бўлиб шу соҳанинг ривожланишига ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқда. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак бу касалга чалинган беморлар ҳаётини асраш, беморлар умрини узайтириш борасида кўплаб ишлар амалга оширилган. Бир сўз билан айтадиган бўлсак вилоят онкология шифохонаси айрим хориж давлатларидаги шунга ўхшаш шифохоналардан ҳам кундан кунга ўзиб бормоқда.

2017 йил февраль ойидан бошлаб Республика иқтисослаштирилган онкология ва радиология илмий маркази Тошкент шаҳридан етук мутахассислардан иборат бир гуруҳи Бухоро вилоятига ташриф буюриб марказда кўргазмали операциялар, беморларни кўриқдан ўтказди. 2017 йил 22 апрелида Россия Федерацияси Сеченов номидаги Москва тиббиёт академияси Пластик хирургияси кафедраси мудири т.ф.д. И.В. Решетов ташриф буюриб Бухоро вилоят онкология марказининг фаолияти, қилинаётган илмий ва амалий ишлар билан яқиндан танишиб ўз маслахатларини берди.

Бухоро вилоят онкология марказининг тузилган режаси асосида ходимларни Россия ва чет эл клиникаларида малакасини ошириш ва

илгор чет эл клиникалардан мутахасисларни чақириш доимий тарзда режа асосида хориж мамлакатлари билан ўзаро алоқалар олиб борган. Бухоро вилоят онкология маркази Россия федерацияси Н.Н. Блохин номидаги Россия онкология илмий маркази ўртасида халқаро меморандум имзоланди. Бундан ташқари Сербия онкология илмий текшириш институти ҳамда Халқаро хирург онкологлар федерацияси ва РИО ва РИАТМ уртасида халқаро меморандум имзоланди. Бухоро вилоят онкология маркази чет элнинг илгор клиникалари билан онкология соҳаси бўйича етук кадрлар тайёрлашни йўлга қўйиш ҳамда ёш мутахасисларни чет эл илгор клиникаларда ўқитиш амалга оширилиб келинмоқда.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Бухоро вилоят давлат архиви. 1459-фонд, Рўйхат-1, 286-йиғма жилд.; Бухоро вилоят давлат архиви. 1459-фонд, 1-Рўйхат, 290-йиғма жилд.
2. Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси жорий архиви, 1999 йил ҳисоботи.; Бухоро вилоят давлат архиви, 1459-фонд, 1-Рўйхат, 280-йиғма жилд.
3. Бухоро вилоят онкология маркази жорий архиви 2017 й. Йиллик ҳисоботи.; Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш жорий архиви 2017 йил ҳисовоти.
4. Республика иқтисослаштирилган онкология ва радиология илмий амалий тиббиёт маркази жорий архиви.
5. Международное агентство по атомной энергии.
6. Бухоро вилоят онкология маркази жорий архиви 2018 й. Йиллик ҳисоботи.; Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш жорий архиви 2018 йил ҳисовоти.
7. Бухоро вилоят онкология маркази жорий архиви 2021 й. Йиллик ҳисоботи.; Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш жорий архиви 2022 йил ҳисовоти.
8. Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги Бухоро вилоят ҳудудий бўлинмаси жорий архиви. 2018 йил ҳисоботи.
9. ХАЙЕТОВ, Шадмон Ахмадович, and Фазлиддин Эркинович ТУЙЕВ. "ДАННЫЕ ПЕРЕПИСИ НАСЕЛЕНИЯ РОССИЙСКОЙ ИМПЕРИИ 1897 ГОДА, ЯВЛЯЮЩИЕСЯ ИСТОЧНИКОМ ИЗУЧЕНИЯ НАСЕЛЕНИЯ, СОЦИАЛЬНОГО УСТРОЙСТВА И ЗАНЯТИЙ ТУРКЕСТАНА." *Актуальные исследования* 24 (2021): 26-30.
10. Erkinovich, Tuyev Fazliddin. "BUKHARA'S PARTICIPATION IN PUBLIC DIPLOMACY IN COOPERATION WITH FOREIGN COUNTRIES THROUGH UNIFIED

CITIES." INTERNATIONAL JOURNAL OF RESEARCH IN COMMERCE, IT, ENGINEERING AND SOCIAL SCIENCES ISSN: 2349-7793 Impact Factor: 6.876 16.5 (2022): 131-132.

11. ERKINOVICH, TUYEV FAZLIDDIN. "FACTORS OF SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT IN BUKHARA REGION IN 1991-1995 AND THE ISSUE OF PARTICIPATION IN FOREIGN RELATIONS." INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429 11.05 (2022): 256-258.

12. Sobirovich T. B. The implementation of human indicator reforms in Uzbekistan //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2021. – T. 10. – №. 9. – C. 197-202.

13. Sobirovich T. B. Issues of gender equality in uzbekistan: Strategy of reforms //Asian Journal

14. Turdiyev B. S. The role of national harmony in the strategy of spiritual renewal //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – T. 1. – №. 6. – C. 229-233.

15. Sobirovich T. B. Strategy of Renewal of National Spirituality of Uzbekistan //International Journal on Integrated Education. – 2020. – T. 3. – №. 8. – C. 122-126.

16. Sobirovich T. B. The criterion of human indicators in development and renewals in Uzbekistan //EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR). – 2020. – T. 6. – №. 8. – C. 509-511.

17. Sobirovich T. B. Evolution of ideas and views on the development of democratic society and spiritual renewals //Scientific Bulletin of Namangan State University. – №. 10. – C. 243-250.

18. Sobirovich T. B. Philosophical Dialectics of National and Universal Cultural Development //Irish Interdisciplinary Journal of Science & Research (IIJSR). – 2021.

19. Sobirovich T. B. National Principles of Democracy in Uzbekistan //Mediterranean Journal of Basic and Applied Sciences (MJBAS). – 2021. – T. 5. – №. 3. – C. 131-135.

20. Sobirovich T. B. Issues of gender equality in uzbekistan: Strategy of reforms //Asian Journal of Multidimensional Research. – 2021. – T. 10. – №. 9. – C. 203-207.